



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 12 (14)
2025**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 12-son 2025 yil

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

12

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2025

MUNDARIJA

Юлдашев Ш.Г. Редкоземельные металлы в новой геоэкономике: глобальные стратегии и приоритеты развития республики Узбекистан.....	7
Tursunov A.M. Совершенствование экономических механизмов функционирования отрасли.	18
Umurzakova Z.S. Sanoat korxonalarida reklama faoliyati samaradorligini aniqlashning uslubiy jihatlari.....	21
Axunov M.A. Korxonalarda raqobatbardoshlikni baholash uchun tanlangan omillar.....	24
Исраилова Д.К. “Аёллар дафтари” маҳаллабай тизими - аёллар бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш омили сифатида.....	28
Шокирова Г.М. Критерии разделения целевой аудитории в сфере цифрового маркетинга.....	33
Vaxtohonova D.N. Bank omonatlari bo‘yicha marketing strategiyalari va ularning real daromadlikka ta’siri.....	36
Xasanova X.F. Investitsilar hisobiga asoslangan xolatda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari tashkil etish tartibi.....	41
Бегимова Д.К. Разработка отраслевых стратегий в Узбекистане.....	45
Mirzayev B.S. CBDC joriy etilishining moliyaviy barqarorlikka ta’siri: imkoniyatlar va xatarlar....	50
Mirzarahimova A.A. Raqamli texnologiyalar asosida sanoat korxonalarida samaradorlikni oshirish yo‘nalishlari.....	53
Азимов О.Т. Ҳалол молиялаштириш инструменти сифатида мурабаха: анъанавий кредит билан қиёсий таҳлил.....	56
Халмирзаев А.А. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	62
Шоабдурахимова М.М. Повышение производственной эффективности на предприятиях электронной промышленности на примере Artel Electronics (Узбекистан).....	68
Xolmuratov O.T. Futbol maktablarimiz rivojlanishida xorij mamlakatlari menejmenti va marketingi tajribasi.....	72
Yarashev M.O., Nabieva S.A. Aksiyadorlik jamiyatlarini asosiy va moliyaviy faoliyati samaradorligini oshirish yo‘llari.....	76
Кабилова К. Тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олиш амалиётининг бугунги ҳолати таҳлили.....	80
Махмудова С. Бюджет соҳасини коррупциядан ҳимоя қилишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий чоралари.....	85
Захидова Ш.Ш. Университет барқарорлигини таъминлашда унинг фаолиятини халқаро стандартларга мос келадиган тартибда такомиллаштириш.....	89
Saidaxmedov N.X. Raqamli texnologiyalar asosida engil sanoat korxonalarida mehnat unumdorligini oshirish mexanizmlari.....	97
Усманова С.С. Влияние государственной поддержки и регулирование на развитие инноваций на промышленных предприятиях.....	100
Madrahimov U.A. Iqtisodiy o‘shish va kapitaldan samarali foydalanishni optimallashtirish yo‘nalishlari.....	104
Джалилов Д.А. Капиталнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини баҳолаш.....	108
Султанова Л.Ш. Абсорбционная способность как медиатор трансформационного экономического роста: теоретические основы.....	111
Mahmudov Sh.N. Location and development of industrial sectors in the regions.....	115
Ustadjalilov D.R. O‘zbekistonda klasterlarni rivojlantirishning institutsional asoslari transformatsiyasi: direktiv modeldan bozor tamoyillariga.....	119
Гайбуллаев Ф. Олий таълимда коррупцияга ўрин бўлмаслиги керак!.....	125
Abdurazakova F.D., Normurodov X.E. Aholi moliyaviy savodxonligi va moliyaviy madaniyati o‘rtasidagi oshirish imkoniyatlarini baholash.....	129
Muxtarov M.M. Rivojlangan mamlakatlar tajribasi asosida sanoat klasterlarini shakllantirish modellari: O‘zbekiston uchun istiqbollar.....	136
Ro‘zmatov B.Z., Shodiyeva N.H. Turistik infratuzilmani rivojlantirish bo‘yicha xalqaro tajriba va uning taqqoslovchi tahlili.....	140

Rahmatova N.A., Mustafayeva H. O‘zbekistonda pensiya ta‘minoti tizimining muammolari va hal etish yo‘llari.....	147
Ахмедов Х. Тинчлик ва хавфсизлик — барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва фаровонлик гарови.	154
Boboyev A.Ch. Qishloq xo‘jaligida ishlab chiqarishni barqaror rivojlantirish yo‘nalishlari.....	159
Исраилов З.А. Яшил иқтисодиёт технологиялари: халқаро тажриба ва қиёсий таҳлил.....	165
Ikromov A.Sh. Mahalliy korxonalarda mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotining o‘ziga xos xususiyatlari.....	169
Ҳалмирзаев А.А., Қодиров Б.Ш. Ёшлар бандлигини таъминлашнинг хорижий тажрибалари.....	175
Elmurodov Sh.Sh. A framework for integrating fiscal risks into the assessment of regional financial security.....	183
Axmadjonov S.S. Tadbirkorlik va biznesni qo‘llab – quvvatlashni baholash mezonlari.....	188
Sabirova Z.U. Sanoat va sanoat korxonalarining raqamli transformatsiyasi jarayonlarini tahlil qilishga uslubiy yondashuv.....	192
Pardayev T.N., Alimuxamedov Sh.R. Chetdan olib kelinayotgan tovarlarning bojxona qiymatini aniqlashni takomillashtirishning ayrim masalalari.....	197
Кадыров А., Исхаков А.К., Турсунова Н.Х. Реализация механизма стратегического управления акционерного общества «Узавтосаноат» на основе прогнозирования его развития.....	203
Zoxidov T.M. Moliyaviy hisobotni buxgalteriya hisobining milliy standartlaridan (BHMS) moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga (MHXS) o‘tkazishning muammolari va yechimlari.....	211
Nabiyeva N.M. Turizm xizmatlari bozorida hududiy destinatsiyalar samaradorligini o‘rganish.....	216
Sharofiddinov Sh.U. Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarda mhxs asosida tuzilgan moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobotni axborot manbai sifatidagi afzalliklari.....	221
Nurmatov Z.Sh. O‘zbekiston respublikasida moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlarini (MHXS) joriy etishning iqtisodiy ahamiyati va amaliy dolzarbligi.....	225
Содиқов А.М., Зокиров С.С. Саноатни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг янги стратегияси.....	230
Narmanov U., Ikromova S. Fond bozorlariga xorijiy investorlarni jalb qilishni rag‘batlantirish yo‘nalishlari.....	238
Qutbiddinov A.B. Samarali faoliyat imkoniyatlarini amalga oshirishda boshqaruv xodimlari qobiliyatlaridan foydalanish darajasi va uni oshirish imkoniyatlari.....	241
Qayumova Sh.S. Mahalliy xomashyo bazasiga ega sanoat korxonalarida investitsiya samaradorligini belgilovchi omillar va ularni oshirishning vertikal integratsiya asosidagi optimallashtirilgan modeli.....	246
Turebekov A.A. Ishlab chiqarish xarajatlarining iqtisodiy sifatining tahlili.....	252
Kurbanova M.N., Azizov A.A. Qadimgi klassik iqtisodiy maktablarning shakllanishi va ularning zamonaviy iqtisodiyot rivojlanishiga ta‘siri.....	255
Samadova G.S. O‘zbekiston iqtisodiyotida tarkibiy o‘zgarishlarning iqtisodiy o‘shishga ta‘siri.....	259
Абдуллаева Р. Инклюзив тadbirkorликнинг моҳияти ва хориж тажрибаси.....	264
То‘uchiyeva B.V. Oziq-ovqat sanoati korxonalarini barqarorligini ta‘minlashda strategik boshqarishning dolzarbligi.....	268
Amnah Saeed J Alhindi The role of financial resources in ensuring corporate financial stability.....	272
Fayziyev O.R. O‘zbekistonda baliqchilik klasterlarini moliyalashtirishning hududiy va tarmoq xususiyatlari.....	276
Алимов Р.А., Султанова Л.Ш. Абсорбционная способность и искусственный интеллект: многоуровневая модель и фигура нового интеллектуала.....	280
Teshayev Z.J., Muxitdnov Sh.X. Logistika xizmat ko‘rsatish korxonalarini resurslaridan foydalanishning hududiy iqtisodiy rivojlanishiga ta‘siri.....	284
Xaydarov X.U., Raxmonov D.R. 1907-yilgi moliyaviy inqiroz: sabablari, kechishi va jahon moliya tizimiga ta‘siri.....	288
Солижонов М.А. Ўзбекистон монетар сиёсатининг савдо балансига таъсирини баҳолаш....	292
Rejapov X.X. Davlat xarajatlarining samaradorligini baholash mexanizmlari.....	297

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КОРРУПЦИЯГА ЎРИН БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК!

**КОРРУПЦИИ НЕ ДОЛЖНО БЫТЬ МЕСТА В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО
ОБРАЗОВАНИЯ!**

**THERE SHOULD BE NO PLACE FOR CORRUPTION IN THE HIGHER EDUCATION
SYSTEM!**

Фаррух Гайбуллаев

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
масъул ходими, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистон Олий таълим тизимида коррупцияга ўрин бўлмаслиги масаласига доир муаллифлик ёндашувлари ёритилган

Калит сўзлар: коррупция, манфаатлар тўқнашуви, бюрократия, коррупцияни идрок этиш индекси, коррупциявий омиллар, ҳалоллик стандарти.

В данной статье рассматриваются подходы автора к проблеме искоренения коррупции в системе высшего образования Узбекистана.

Ключовые слова: коррупция, конфликт интересов, бюрократия, индекс восприятия коррупции, факторы коррупции, стандарт добросовестности.

This article examines the author's approaches to the problem of eradicating corruption in the higher education system of Uzbekistan.

Key words: corruption, conflict of interest, bureaucracy, corruption perception index, corruption factors, integrity standard.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасида белгиланишича, олий таълим — бакалаврият ва магистратура йўналишларида юқори малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган давлат сиёсати ҳисобланади. Олий таълимнинг кадрлар тайёрлаш жараёни университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактаблар томонидан амалга оширилади[1].

Олий таълимнинг асосий мақсади – бўлажак, истиқболли кадрларни замон талабларига мос, малакали ва рақобатбардош мутахассислар тайёрлашдан иборат. Олий таълим ўз соҳаси бўйича талабларга жавоб бера оладиган, янги ва мустақил фикрлайдиган ва илм-фан, маданият, иқтисод ҳамда ижтимоий тараққиётга ҳисса қўша оладиган кадрларни етиштиришни назарда тутди.

2024 йилги Transparency Internationalнинг “Коррупцияни идрок этиш индекси” (CPI)га кўра, дунё мамлакатларининг 25 фойздан ортиғи таълим соҳасида коррупцияга оид юқори хавф остида қолаётганлигини таъкидламоқда.

Жаҳонда олий таълимдаги коррупция академик ҳалоллик ва таълим сифатига салбий таъсир қилиб, кадрлар тайёргарлиги ва жамият тараққиётининг ривожига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Таъкидлашни керакки, олий таълим жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантирувчи стратегик соҳа бўлиб, у малакали кадрлар, илмий изланишлар ва инновацион ривожланишнинг асосий пойдевори ҳисобланади. Шу боис, мазкур соҳада коррупциянинг мавжудлиги нафақат таълим сифатини, балки жамиятнинг барқарор ривожланишига ҳам жиддий таҳдид солади.

Ўзбекистон Республикасида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш, фуқароларнинг давлат органларига ишончини мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини кафолатлашда коррупцияга қарши самарали курашиш ва унинг олдини олиш устувор стратегия сифатида намоён бўлмоқда. Айниқса, олий таълим тизимида коррупциянинг мавжудлиги мамлакатнинг интеллектуал салоҳияти ва инсон капиталига жиддий хавф туғдиради.

Олий таълим тизимида коррупциявий жиноятлар асосан бюджет маблағларининг талон-торож қилиниши, талабаларга қабул қилиш, дипломни олиш-бериш, тизимга ходимларни ишга қабул қилиш, олий таълим муассасаларини қуриш, таъмирлаш ишлари кабиларда содир этилаётганлиги барчамизни ташвишга солмоқда.

Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш, унга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва самарали курашиш бўйича халқаро стандартларга мос тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги (2017) [2], “Таълим тўғрисида”ги[1] (2020), “Педагог мақоми тўғрисида”ги (2024) [3], “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги (2024) [4] қонунлари қабул қилинди.

Таъкидлаганимиздек, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида ҳуқуқий ҳамда институционал асослар такомиллаштирилиб, мазкур соҳада кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш соҳасида ҳуқуқий-меъёрий база сезиларли даражада мустаҳкамланди. 2017 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун соҳадаги ҳуқуқий асосларни белгилаб берди. Шу билан бирга, Давлат хизматлари агентлиги ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ташкил этилиши давлат ва фуқаро ўртасидаги ишончни тиклаш ҳамда тизимли ҳамкорликни таъминлашга қаратилган муҳим институционал қадамлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгаш йиғилишидаги маърузасида Мамлакатимиз олий таълим соҳасида инсон омилини камайтириш мақсадида жорий этилган рақамлаштириш чоралари, хусусан, тест натижаларига асосланган автоматлаштирилган танлов тизими ва 35 турдаги ҳужжатларни электрон расмийлаштириш орқали мурожаатлар сони 2,2 баробарга камайганлиги[5], шу билан бирга, соҳадаги умумий вазият ҳали ҳамон 27–39 фоиз билан энг коррупциялашган йўналишлар қаторида қолмоқда. Мамлакатимизда сўнгги йилларда олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, рақамлаштириш ва шаффоф бошқарувни жорий этиш бўйича қатор қонуний ва институционал чоралар амалга оширилмоқда. Олий таълим соҳасини янада ривожлантириш доирасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, рақамли бошқарув механизмларини кенг жорий этиш ҳамда жамоатчилик иштирокини кучайтириш каби долзарб вазифалар ечимини топиш вазирлигимиз олдидаги муҳим йўналишлар сирасига киритилган.

Олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашишни кучайтириш мақсадида вазирликда бир қатор ички идоравий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, 2022 йилда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан “Олий ва профессионал таълим муассасаларида коррупциявий хатарларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича Йўл харитаси” ишлаб чиқилган. Шунингдек, 2022 йил 25 февралда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва вазирлик ўртасида ҳамкорлик битими тасдиқланиб, таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича аниқ чоралар белгиланган[6].

Хусусан вазирликнинг: 2023 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва вазирлик тизим ташкилотларида Одоб-ахлоқ ва Ички меҳнат тартиби қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 235-сонли буйруғи; 2023 йил 2 июлдаги “Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимида ходимларнинг хизмат вазифалари билан боғлиқ коррупциявий ҳолатлар келиб чиқишига сабаб бўладиган омилларни бартараф этиш

тўғрисида”ги 242-сонли буйруғи; “Комплаенс назорат” тизимини йўлга қўйиш бўйича меъёрий ҳужжатлар тўплами ишлаб чиқилди.

Таълим соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотлар натижасида Янги Ўзбекистонда таълим энди фақат хизмат соҳаси эмас, балки миллий тараққиётнинг устувор стратегик йўналишига айланди. Президентимиз томонидан белгилаб берилган инсон капиталини ривожлантириш сиёсати асосида қуйидаги илк тарихий ўзгаришлар юз берди:

- 2016 йилда фақат 77 та бўлган ОТМ сони 2024-2025 ўқув йилида 213 тага етди. Бундан:
- 116 таси давлат;
- 67 таси нодавлат;
- 30 таси хорижий ОТМ ҳисобланади.

Президентимиз ташаббуси билан STEAM таълими мактаб ва техникумларда кенг жорий этилди. Дуал таълим орқали корхоналар ва ОТМлар ҳамкорлиги таъминланди. Бу жараёнлар орқали таълимда коррупциянинг кушандаларидан бири жамоатчилик назорати кенг тус ола бошлади.

Яна бир муҳим омил профессор-ўқитувчилар маошлари 2,5–3 баробар оширилди, ижтимоий ҳимоя ва мотивация кучайтирилди.

Ўзбекистон ёшлар мамлакати. Ўзбекистонда олий таълим билан 18–23 ёшдаги аҳолининг қамрови 47,7 фоизга етди (2016 йилда 9 фоиз эди).

Бу ўзгариш фақат сонни кўпайтириш эмас, балки таълим сиёсатини халқ манфаатлари билан уйғунлаштиришни англатади. Бу ўзгариш олий таълимда коррупциянинг олдини олишнинг муҳим шартига айланди.

Коррупцияга қарши қаратилган ислоҳотлар жамиятда, айниқса, ёшлар онгида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, олий таълим муассасалари фаолиятида ошкоралик ва шаффофликни таъминлашга қаратилган. Олий таълим тизимида коррупциянинг олдини олиш мақсадида жамоатчилик назоратини кучайтириш, ҳисобдорлик ва очиқликни таъминлаш бўйича замонавий механизмлар жорий этилмоқда. Шу билан бирга, ёш авлод онгида ҳалоллик, поклик ва қонунийлик қадриятларини мустаҳкамлаш, коррупцияга қарши билим ва кўникмаларни замонавий талаблар асосида ривожлантириш долзарб вазифа сифатида белгиланган.

Олий таълим тизимидаги коррупция – жамият тараққиётига таҳдид солувчи кўп қиррали муаммо ҳисобланади. Уни баратараф этиш учун тизимли, ҳуқуқий, ахлоқий ва сунъий интеллект, рақамлаштириш каби ёндашувларни уйғунлаштириш лозим. Бу жараёнда фақат давлат эмас, балки бутун жамият - талабалар, профессор-ўқитувчилар, ота-оналар ва фуқаролик жамиятининг фаол иштироки ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Коррупцияга қарши курашишда ёшларда коррупцияга қарши курашиш бўйича иммунитетни шакллантириш муҳим ўрин тутди. Коррупцияга оид жиноят учун судланган шахсларнинг олий таълимда 2024 йилда 90 нафарни ташкил этган[7].

Қайд этиш керакки, Коррупцияга оид жиноятлар сони ортиб бораётганлигининг сабабларидан бири уни фож этиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаоллигининг ортиши билан бир қаторда вазирлик ва идоралардаги ички назорат тизимларининг самарасиз фаолияти билан боғлиқдир.

Биз олий таълим муассасалари (ОТМ)ларига фақат билим берувчи эмас, балки бўлажак кадрларни тарбияловчи ахлоқий муҳит яратадиган маскан сифатида қараш ғоясини илгари сураёلمиз. Бунда коррупцияга қарши курашда илмий-ташқилий ёндашув -коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш учун қуйидаги тадбирларни амалга оширишни мўлжаллаёلمиз:

Биринчидан, ҳалоллик ғоясини ёшлар онгига сингдириш: олий таълим муассасаларида “ҳалоллик вакцинаси”[8] каби ахлоқий-тарбиявий дастурларни жорий этиш;

Иккинчидан, кадрлар корпусини яратишда шаффофлик: давлат хизматига ва таълим тизимига профессионал ва фидойи шахсларни жалб этиш;

Учинчидан, жамоатчилик назоратини кучайтириш: фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ иштирокини фаоллаштириш;

Тўртинчидан, ахборот технологияларини жорий этиш: баҳолаш ва назорат жараёнларини рақамлаштириш орқали инсон омилини минималлаштириш.

Афсус билан қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг маълумотларига кўра, 2023-йилда коррупция жинояти учун судланган 566 нафар шахс давлат хизматига, шу жумладан олий таълимга ишга қабул қилинган ва коррупция жиноятини қайтадан содир этган[9]. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ўз ваколатлари доирасида олий, ўрта махсус ва профессионал таълим, фан ва инновациялар соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши боис ҳам вазирлигимизда бугунги кунда бундайин кечириб бўлмас ҳолатлар бўйича мониторинг олиб бормоқда ва олдини олишнинг чоралари кўрилмоқда. Олий таълим соҳасида коррупциянинг олдини олишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилиши жараёни янада фаоллашди.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатини ҳар икки йилга мўлжалланган Давлат дастурларини қабул қилиш орқали амалга ошириш амалиёти шакллланган.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2023 йилнинг 27 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони [10] эълон қилинди.

Мазкур Фармон билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган тўртинчи Давлат дастури ҳам соҳадаги ислохотларни изчил давом эттиришда муҳим восита бўлди.

Ушбу Фармон билан қуйидаги жараёнларни интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатиш тартибини жорий этилди. Булар:

а) фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун илмий кенгаш томонидан ўтказиладиган диссертация ҳимояси (ёпиқ илмий ишлар бундан мустасно);

б) ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларининг (шу жумладан, “Темурбеклар мактаблари” ҳарбий-академик лицейларининг) тест синовлари ҳамда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларга кириш имтиҳонлари;

в) олий таълим муассасалари базасидаги ҳарбий таълим факультетларига (ҳарбий кафедра) қабул қилишдаги саралаш танловларининг қуйидаги босқичлари:

умумжисмоний тайёргарликни баҳолаш;

чақириққача бошланғич тайёргарлик дастури бўйича билим даражасини баҳолаш.

Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда илмий даража олиш билан боғлиқ жараёнларнинг коррупциялашганлиги тўғрисида бир қатор хабарлар тарқалаётгани ҳам сир эмас. Хусусан, илмий ишлардаги плагиат, илмий ишларга доимий равишда бир хил шахсларнинг раҳбарлик қилаётганлиги танқид қилиниб, ушбу ҳолатлар коррупция билан боғлиқлиги тўғрисида мақолалар ҳам чоп этилмоқда.

Шу жиҳатдан илмий даража олишдаги коррупция хавф-хатарларини таҳлил қилиш ва тақлифлар ишлаб чиқиш мақсадида “Олий таълимнинг бакалаврият, магистратура, PhD ва DSc докторантура фаолиятида очиқлик ва шаффофлик, академик инсофсизликка барҳам бериб, академик ҳалолликни таъминлаш зарур. Илмий даража олиш билан боғлиқ жараёнлардаги коррупцияга имкон бераётган омилларни бартараф этиш” бандини киритиш тавсия этилади. Давлатимизга коррупция “луқма”сини таътиб кўрган олий маълумотли мутахассислар етказиб берадиган бўлсак, мамлакатимиз келажаги, жамият ривожини таназзулга юз тутмайдими?! Биз келгуси авлодга бировнинг ҳаққидан кўрқадиган, ҳаром ва ҳалолнинг фарқига борадиган, мамлакат ривожини, халқ раҳнақини учун ёниб-қуйиб яшайдиган мутахассислар етказиб бериш вақти келганлигини идрок этиш вақти келди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида / Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т., 2017.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни. <https://lex.uz/docs/5013007>.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Педагог мақоми тўғрисида”ги қонуни. // <https://lex.uz/docs/6786401>. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.02.2024 й., 03/24/901/0082-сон; 24.10.2025 й., 03/25/1091/0969-сон)
4. Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонуни. // <https://lex.uz/docs/6952742>. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.06.2024 й., 03/24/931/0402-сон)
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгаш йиғилишидаги маърузаси. //05.03.2025 йил. <https://president.uz/uz/lists/view/7924>.
6. https://t.me/antikor_uzb.
7. Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза Ахборот таҳлилий маълумот. //Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, 2025. 13-б:
8. <https://president.uz/uz/lists/view/7924>
9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2024 йил 7 майдаги № 19/10-24-63 сонли маълумотномаси.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-200-сонли Фармони //http://www.lex.uz.

UDK: 336.1

AHOLI MOLIYAVIY SAVODXONLIGI VA MOLIYAVIY MADANIYATI O‘RTASIDAGI OSHIRISH IMKONIYATLARINI BAHOLASH

ОЦЕНКА ВОЗМОЖНОСТЕЙ ПОВЫШЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ ГРАМОТНОСТИ И ФИНАНСОВОЙ КУЛЬТУРЫ НАСЕЛЕНИЯ

ASSESSMENT OF OPPORTUNITIES FOR IMPROVING THE FINANCIAL LITERACY AND FINANCIAL CULTURE OF THE POPULATION

Abdurazakova Farangis Dilshod qizi

O‘zMU, Moliya va moliyaviy texnologiyalar ta’lim yo‘nalishi talabasi
Normurodov X.E. O‘zMU katta o‘qituvchisi

Anotatsiya

Ushbu maqolada O‘zbekistonda ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan muhim, jamiyatni taraqqiyot tomon yetaklayotgan moliyaviy savodxonlik va aholining moliyaviy madaniyatini oshirish mavzusi yoritiladi. Aholining moliyaviy bilim va ko‘nikmalarini oshirishda bir qancha usullar ko‘rib chiqilgan va moliyaviy madaniyatni baholash uchun so‘rovnoma o‘tkazilgan. Moliyaviy boshqarishda xorijiy tajribalarni tahlil qilish va uni O‘zbekiston sharoitida qo‘llash uchun takliflar berilgan.

Kalit so‘zlar: moliyaviy savodxonlik, moliyaviy madaniyat, amaliy moliyaviy ko‘nikmalar, raqamli moliyaviy xavfsizlik, investitsion savodxonlik, kredit boshqaruvi, moliyaviy risklar, iqtisodiy barqarorlik, raqamli to‘lovlar

В данной статье рассматривается тема повышения финансовой грамотности и финансовой культуры населения Узбекистана, которая играет важную социально-экономическую роль и способствует развитию общества. В работе проанализированы